O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2006 йил 9 август, № 153 (4052) Чоршанба

Истиқлол тимсоллари

МАМЛАКАТИМИЗНИНГ БОШ МАЙДОНИДАГИ **«МУСТАҚИЛЛИК ВА ЭЗГУЛИК МОНУМЕНТИ»,** ТАЪБИР ЖОИЗ БЎЛСА, ПОЙТАХТИМИЗДАГИ ЭНГ ГАВЖУМ, ЭНГ СЕРФАЙЗ МАСКАНЛАРДАН БИРИГА АЙЛАНДИ.

БУ БЕЖИЗ ЭМАС, АЛБАТТА. НЕГАКИ, МАЗКУР ОБИДА АЙНАН ХАЛҚИМИЗНИНГ ҚАЛБ ҚАТИДАГИ ЭЗГУ ОРЗУ-НИЯТЛАРИНИ ИФОДАЛАГАН.

Миллатимиз бағрикенглиги кўзгуси

Она ва бола. Волиданинг ўз фарзандига чексиз муҳаббати. Гўдакнинг онасига талпиниши. Аслида инсониятнинг тириклик фалсафаси шу ифодада акс этади-ку. Не-не рассомлар, ҳайкалтарошлар онани боласи, болажони билан мангу асарларида муҳрламаган дейсиз. Тарихда антик давр классиклари, сеҳрли қўллари ила ҳайкалга жондан бошқа барча унсурни ато этган истеъдодлар ўтган. Мўъжизавий асарлар неча юзлаб йиллар мобайнида оҳорини сақлаган ҳолда дунёнинг энг номдор музей ва галереяларида ноёб санъат дурдонаси сифатида янги-янги авлодларнинг ҳайратига сабаб бўлмоқда.

Инсон космосни забт этди. Мисли кўрилмаган фан ютуқлари хаёлий орзуларни воқеликка айлантирди. Лекин она ва бола меҳри абадий. Тўхтанг, шундай деймизу, дунёнинг айрим жойларида бу меҳрни эътироф этишни истамаган зотлар учрайди. Минг шукрки, бу бебаҳо қадрият ўзбекнинг ўзлигини намоён этувчи хислатлигича турибди.

Она ва бола ҳайкалини ишлаган Илҳом Жабборовнинг шаҳодат беришича, бу обидани бунёд этиш ғоясидан тортиб то якуний ижросигача Президентимиз кўрсатмалари, топилмалари асосида рўёбга чиқарилган. Шу пайтгача инсоният томонидан ушбу мавзуда ишланган кўплаб бадиий ижод намуналари кўздан кечирилган. Вазифа ўша асарлардаги энг нозик, ибратли жиҳатлар марказий майдондаги ҳайкалда ифода топиши, бу билан томошабин руҳида эзгу ва нурли туйғулар куртак ёзиши керак. Миллатимизнинг ардоқли хислатлари шу ҳайкалда тажассум топсин. Бу масканни зиёрат қилган ҳар бир инсон онаси олдида, она Ватани олдида бурчли эканлигини, қарздорлигини ёдига олсин.

Қанчалик эзгу ниятлар акс этган бу асарда. Таъриф учун, эҳтимол, жуда кўп сўзларни келтириш мумкиндир. Лекин бу обида яна неча-неча асрлардан кейин ҳам авлодларга истиқлолнинг илк даври тарихидан ҳикоя қилиши муқаррар.

Ш.ЖАББОРОВ.



Темур ҚУРБОНБОЕВ олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

«Ўзтрансгаз» акционерлик компанияси фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Газ тақсимлаш тармоқларини ривожлантириш ва улардан фойдаланиш соҳасида ягона сиёсатни шакллантириш, республика истеъмолчиларига табиий газни етказиб бериш ва сотиш бўйича самарали бошқарув тизимини яратиш, шунингдек, табиий газдан оқилона фойдаланиш ва газ учун тўлов интизомини мустаҳкамлаш мақсадида:

1. Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги ва «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компаниясининг:

ҳудудий газтаъминоти корхоналарини (бундан кейин ҲГК деб аталади) «Ўзкоммунхизмат» агентлиги таркибидан «Ўзбекнефтгаз» МХКга қарашли «Ўзтрансгаз» АК таркибига ўтказиш;

барча тоифадаги истеъмолчиларни газ билан таъминлаш учун ҲГК негизида «Ўзтрансгаз» АК нинг унитар корхоналари шаклида 6 та ҳудудлараро корхона ташкил этиш орқали республика истеъмолчиларига табиий газ етказиб бериш ва сотиш бўйича ягона технологик тизимни яратиш;

ҳудудлараро газ таъминоти корхоналарига «Ўзтрансгаз» АК шартнома тўпширигі асосида газ тақсимлаш тармоқларини ишлатиш ва табиий газни сотиш бўйича ваколатларни бериш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. «Ўзтрансгаз» АКнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

магистрал газ қувурлари, компрессор станциялари, ер ости газ омборлари, газ тақсимлаш тармоқлари ва ускуналарини ишлатишда хавфсизлик қоидаларининг меъёрий талабларига амал қилган ҳолда республика истеъмолчиларини белгиланган тартибда табиий ва суюлтирилган газ билан узлуксиз таъминлаш;

магистрал газ қувурлари тизими ва газ тақсимлаш тармоқларида ягона техник сиёсатни олиб бориш, бунда уларни модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлашни ҳисобга олиш ҳамда табиий газни ташиш технологияси ва гидравлик балансига риоя этиш;

магистрал газ қувурлари тизими ва газ тақсимлаш тармоқларида табиий газдан оқилона фойдаланилишини таъминлаш;

замонавий ҳисоблаш жиҳозлари ва усулларини жорий этган ҳолда сотилган газ қатъий ҳисоб-китоб қилиниши ва тушумнинг тўлиқ топширилишини таъминлаш, табиий газнинг исроф қилиниши ва асоссиз ишлатилишини камайтириш чораларини кўриш, газ тармоқларига ноқонуний уланиш ва газни ўғирлаш ҳолларининг олдини олиш ва қонунчиликка мувофиқ равишда бартараф этиш;

экспортга табиий газ етказиб бериш ҳажмини ошириш ва уни ташиш бўйича кўрсатилаётган хизматларни кенгайтириш.

3. Қуйидагилар:

«Ўзтрансгаз» АК нинг ташкилий тузилмаси ва ижро аппарати тузилмаси, ходимларнинг умумий сони 157 бирлик, шу жумладан бошқарув ходимлари 109 бирлик сифатида 1, 1а ва 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин;

«Ўзтрансгаз» акционерлик компаниясининг ҳудудлараро унитар корхоналари ва ҳудудлараро унитар корхонанинг туман (шаҳар) бўлимлари намунавий тузилмаси 3 ва 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Белгилаб қўйилсин:

«Ўзтрансгаз» АК «Ўзкоммунхизмат» агентлиги томо-

(Давоми 2-бетда).

МЕНГА ҚАНОТ БЎЛДИНГИЗ!

Мен 2002 йилда Тошкент Давлат авиация институтининг фуқаро авиацияси факультети кундузги бўлимига тўлов-контракт асосида ўқишга кирдим. Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йилнинг 21 июлдаги қарорига асосан «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг очиқ кредит линияси орқали 1,6 млн. сўм миқдорида таълим кредити олдим.

Яқинда ўқишимни муваффақиятли тугатаман. Ўқиш даврида банк томонидан таълим кредити маблағлари шартномага асосан ўз муддатида ўтказиб турилди. Шу сабабли стипендияларимни муддатида олиб турдим. Ўз навбатида, мен ҳам кредит шартномасида кўрсатилган мажбуриятларни муддатида бажариб келмоқдаман.

Ҳукуматимиз томонидан банк тизимини ривожлантиришда берилаётган қатор имтиёзларнинг ижобий натижаси мисолида айтиб ўтиш жоизки, «Ўзсаноатқурилишбанк» томонидан 10 йил муддатга берилган таълим кредитининг йиллик устама ставкаси 24 фоиздан 14 фоизга туширилганлиги оиламизга катта моддий мадад бўлди.

Бугунги кунда фақатгина ривожланган саноқли мамлакатларда Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси каби юқори технологияга эга бўлган самолётсозлик мажмуалари мавжуд.

Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки йилларда ушбу ишлаб чиқариш бирлашмасини сақлаб қолиш муаммоси мавжуд бўлса-да, Президентимиз ташаббуслари туфайли мажмуанинг фаолият кўрсатиши таъминланиб, қўшимча равишда минглаб ишчи ўринлари яратилди.

Шу сабабли мен ҳам институтни тугатиб, Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида фаолият юритишни ва ўзимизда ишлаб чиқарилаётган замонавий самолётларни барпо этиш учун ўз ҳиссамни қўшишни умид қиламан.

Менга билим олишимда имконият яратиб берганлари учун, авваламбор, мамлакатимиз раҳбариятига ва «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг барча ходимларига чуқур миннатдорчилик билдираман.

Худойназар ҚУРЁЗОВ,
Тошкент Давлат авиация институти талабаси.

Тахририятга мактуб

Сўнгги соатда

Туркияда 16 ёшгача бўлган шахматчилар ўртасида навбатдаги шахмат Олимпиадаси бошланди.

Биринчи уриниш, илк муваффақият

Унда дунёнинг 60 га яқин мамлакатидан келган ёш шахматчилар дона суришмоқда.

Куни кеча Олимпиаданинг биринчи тур учрашувлари бўлиб ўтди. Андрей Мирзаҳмедов бошчилигидаги Ўзбекистон терма жамоаси илк учрашувини Кения мамлакати шахматчилари билан ўтказди. Унда Александр Касян — Чираага Девани, Евгений Пак — Анкуш Нагдони, Жамшид Мустафоев — Кристиан Азимни, Хуршид Мустафоев эса Акшай Нагдони маглубиятга учратди. Умумий натижа — 4:0 ҳисобида ўзбекистонлик шахматчилар фойдасига ҳал бўлди.

З. ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Мустақиллик: курашлар, изтироблар, қувончлар

Мени ҳарбий лицейга, қасамёд кунига таклиф этишди. Бажонидил рози бўлдим. Ўзини мардона ишга бағишлаган, ёш бошидан Ватан ҳимоячиси деган масъулиятни зиммасига олган укаларимни кўриш, танишиш ижодкор сифатида ҳам менга қизиқ эди. Дарвоза олдида чақмоқдек кийимлари ўзига ярашиб турган навбатчи сержант биз билан ҳарбийча саломлашиб, ичкарига таклиф қилди.

Лицей ҳовлисининг озодалиги, батартиблиги интизомдан дарак берар, кўнгилга сурур бахш этарди. Плацга соя солиб турган асрий чинорларга қараб, бир фикр хаёлимдан ўтди: балки бу азим дарахтлар Тошкент истилосига, пароканда хонликлар инқирозига, "мозийнинг энг кир ва қора кунлари"га гувоҳ бўлгандир. Эҳтимол, улар ҳам шу тупроқ фарзанди сифатида бугунги озод ва умидбахш даврдан мағрур қад кериб тургандир.

«МЕН – ИСТИҚЛОЛ АСКАРИМАН!»

Иқбол МИРЗО,
Ўзбекистон халқ шоири.

Саксонинчи йилларнинг охирларида Томск шаҳрида ҳарбий хизматни ўтаганман. Шўро машинаси чириб, таназзулга юз тутаётган, ҳамма жойда хўжасизлик ва ёлғон авж олган кезлар. Бизнинг чекимизга тушган қисм ички қўшинларга тегишли бўлсада, тартиб-интизом деган нарсага мутлақо бегона эди. Миллатчилик, зўравонлик оддий ҳол бўлиб, Устав латифага айланган, командирлар ароқхўрликка муккасидан кетганди. Ўн саккиз ёшга киргунча фақат далани, пахтани, ғўзани кўрган, жисмонан заиф ва чаласавод "қоравойлар", яъни биз бамисоли дўзахнинг ўзгинасига тушиб қолгандек эдик. "Янги"лар тўйиб ухламас, тўйиб овқатланмас, фақат тўйиб калтак ейиши мумкин эди, холос. Бир куни умрбод эсимдан чиқмайдиган воқеа юз берди. Ошхонада апил-тапил овқатланиб, тўймай қолган ҳамюртларимиздан бири чўнтагига бир бўлак қора нон солаётганда, биздан олдинроқ хизматга келган Мансур деган йигит ҳалиги боланинг қўлидан тутиб, оҳиста, лекин қатъий деди: "Мени биров танимайди, отимни билмайди деб ўйлама! Ҳаммамизнинг отимиз битта — ЎЗБЕК! Ёмон бўлсанг ҳам, яхши бўлсанг ҳам, миллатингни тилга олишади. Кўзингни оч!" Ғурур ва орият, ҳамият ва номус ҳақида мен эшитган энг таъсирли гап шу бўлди...

(Давоми 2-бетда).

Навбатдаги сонларда

ОДАМЛАР НИМА ДЕЙДИ?

Публицистнинг «Ватан чизгилари» туркумидан

АСОССИЗ АРАЛАШУВГА АСОСЛИ ТЎСИҚ

Диққат, янгилик!

ОЛТИНСОЙДА ЗАЙТУН ГУЛЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

«Ўзтрансгаз» акционерлик компанияси фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда).

нидан фаолиятнинг тегишли йўналишида тузилган шартнома ва мажбуриятлар бўйича ҳуқуқий ворис ҳисобланади;

«Ўзтрансгаз» АК нинг ҳудудлараро унитар корхоналари ҲГК шартнома ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий ворис ҳисобланади.

5. Идоралараро комиссия таркиби ва Ўзбекистон Республикасида газ таъминоти тизимини қайта ташкил этиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар 5 ва 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Идоралараро комиссия (Э.Р.Шоисматов) «Ўзбекнефтгаз» МХК ва «Ўзтрансгаз» АК билан биргаликда:

икки ой муддатда ҳудудий газтаъминоти корхоналарининг қабул қилинган мол-мулкини 2006 йил 1 июль ҳолатига кўра инвентаризациядан ўтказсин ва қонунчиликда белгиланган тартибда баҳоласин;

2006 йил 1 сентябргача бўлган муддатда ҲГК ни қайта ташкил этиш бўйича зарур чора-тадбирлар мажмуини амалга оширсин ва уларнинг негизида «Ўзтрансгаз» АК нинг ҳудудлараро унитар корхоналарини ташкил этсин;

ҲГК қайта ташкил этилаётган даврда табиий ва суюлтирилган газ истеъмолчиларга узлуксиз етказиб берилиши, белгиланган техник ва ёнғин хавфсизлиги нормаларига риоя этилишини таъминласин;

«Ўзтрансгаз» АК нинг ҳудудлараро унитар корхоналарини юқори малакали кадрлар билан таъминласин.

7. «Ўзбекнефтгаз» МХК, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки ва «Ипотекабанк» АТИБ билан биргаликда бир ой муддатда «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг хорижий кредитлар ва Ҳукумат қарорларига кўра берилган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг кредитлари бўйича қарз мажбуриятлари юзасидан кредит ҳужжатларига тегишли ўзгаришлар ва қўшимчаларни белгиланган тартибда расмийлаштирсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги юқорида кўрсатилган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси кафолатига тегишли қўшимчаларни белгиланган тартибда расмийлаштирсин.

8. Белгилаб қўйилсинки, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги ҲГК нинг берилаётган мулки «Ўзтрансгаз» АК нинг солиқларини ҳисоблашда солиқ базасига қўшилмайди.

9. «Ўзтрансгаз» АК ва унинг бўлинмалари «Ўзкоммунхизмат» агентлиги ҲГК нинг берилаётган автотранспорт воситалари қайта рўйхатдан ўтказилганда Республика йўл жамғармасига йиғимларни тўлашдан, шунингдек, етказиб берилган табиий газ учун қарзни ундириш тўғрисидаги хўжалик судлари ва фуқаролик ишлари бўйича судларда кўриб чиқиладиган даъво аризалари бўйича олдиндан давлат божини тўлашдан озод қилинсин, давлат божи айбдор томондан ундирилсин.

10. «Ўзбекнефтгаз» МХК ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда мазкур қарордан келиб чиқиб қонунчиликка ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклифларни Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

11.Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 8 август.

Сайёр йиғилиш

4 август куни Термиз шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Олий суди, Ички ишлар вазирлиги, Тошкент давлат юридик институти, Сурхондарё вилоят ҳокимлиги ва вилоят прокуратураси томонидан **«Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўлим жазосини бекор қилиш ва қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисидаги фармонларидан келиб чиқадиган вазифалар»** мавзусида ташкил этилган илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Инсон ҳуқуқлари — олий қадрият

Семинар ишида Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенат аъзолари, суд, ҳуқуқ-тартибот органлари вакиллари, ҳуқуқшунос-олимлар, жамоат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Анжуманни Сурхондарё вилояти ҳокими А. Эшмуродов очиб, йиғилганлар эътиборини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисида Президент И.А.Каримов маърузасида баён этилган, мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар бугунги кунда жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигимизнинг дастлабки тергов ва судгача бўлган жараён устидан суд назоратини кучайтириш билан боғлиқ айрим қоидаларни қайтадан кўриб чиқиш зарурати вужудга келганлиги тўғрисидаги фикрларга қаратди ва суд-ҳуқуқ ислоҳотларини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш янги босқичга кўтарилганлигини таъкидлади.

Сўзга чиққанлар давлат раҳбарининг ўлим жазосини бекор қилиш ва қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисидаги фармонлари ҳамда «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан қабул қилиниши лозим бўлган қонунлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармойишидан келиб чиқадиган вазифалар ижросини таъминлаш, ушбу жараённи тартибга солувчи ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш масалалари, судьялар мустақиллигини таъминлаш, жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги ҳамда одил судловни амалга оширишдаги назарий муаммоларга бағишланган масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Семинарда ислоҳотларнинг пировард мақсади фуқароларнинг эркин ва фаровон ҳаётини, инсоннинг яшаш ҳуқуқи устуворлигини таъминлашдан иборат эканлиги ҳамда ўлим жазосининг бекор қилиниши айни шу жиҳатдан инсонийлик ва адолат тантанаси эканлиги эътироф этилди.

Семинар якуни бўйича қонунларни ва қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ҳақида аниқ таклифлар билдирилди ҳамда амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

Ўз мухбиримиз.

КУТУБХОНА – БИЛИМ МАНБАИ

Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йил 20 июндаги «Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ юртимиз олий, ўрта махсус ва умумтаълим таълим муассасалари ҳузурида ташкил этилган ахборот-ресурс марказлари самарали фаолият кўрсатмоқда.

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 97-ўрта мактабда бундай марказ замонавий компьютер, кутубхона, бадиий адабиётлар фонди ҳамда кичик ёшдаги ўқувчилар учун адабиётлар йўналишида ташкил этилган. Ундаги компьютерларда математика, тарих, физика, химия каби фанлар бўйича дарс ишланмалари мавжуд.

Ўқувчиларнинг ижодий изланиши ва мустақил фикрлай олиш қобилиятини шакллантириш, компьютер саводхонлигини ошириш, дарсдан ташқари пайтда зарур машғулотлар билан банд қилиш, адабиётга қизиқишини янада кучайтириш ресурс марказининг асосий вазифаларидандир.

Мактабда марказ ташкил этилган пайтда жами 4 минг 140 нусха адабиёт мавжуд эди. Ҳозир уларнинг сони салкам икки баравар кўпайди. Кутубхона фонди турли хил луғатлар, энциклопедиялар ва методик қўлланмалар билан бойиб бормоқда.

Н.БОТИРБЕКОВА.
(ЎзА).

Карор ва ижро

Мамлакатимиз Президентининг «Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори бу кўҳна шаҳар аҳлини бениҳоя хурсанд қилди.

САМАРҚАНД — ЕР ЮЗИНИНГ САЙҚАЛИ

Самарқанд шаҳар ҳокимлиги, «Маънавият ва маърифат маркази» Самарқанд шаҳар бўлимининг бугунги саъй-ҳаракатлари асосини ҳам ушбу қарорда қўйилган вазифалар ижроси ташкил қилмоқда. Самарқанд Давлат университетида тарихчи олимлар, археологлар, матбуот ходимлари билан ўтказилган давра суҳбатининг мавзуси ҳам айнан ушбу юбилейни нишонлаш тараддудига бағишланди. Фалсафа фанлари номзоди Тангир Сатторов анжуманни оча туриб, Президент қарорининг аҳамияти ниҳоятда долзарб ва юксак аҳамиятга моликлигини, бу ҳар бир самарқандлик фуқарога фахр-ифтихор туйғусини бағишлаш билан бирга уларнинг зиммасига улкан вазифалар юклашини ҳам айтиб ўтди.

Самарқанд шаҳар ҳокими Сухроб Рафиқов анжуманда сўз олиб, Вазирлар Маҳкамасида Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика ташкилий қўмитасининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтганлиги ҳақида ва унда ўртага ташланган вазифалар хусусида ахборот берди ҳамда бу улкан юбилейга тайёргарлик кўриш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини ҳам билдирди. Жумладан, юбилей олдидан интернетда «Самарқанд» сайтини очиш,унда олимларнинг чиқишларини уюштириш, бу кўҳна шаҳарга оид манбалар,рисолалар, хорижий меҳмонларнинг таассуротлари, хотираларини жамлаб китоб нашр қилиш, юбилей эмблемасини яратиш, монумент-стелла барпо этиш каби масалалар ўртага ташланди. Бундан ташқари, шаҳар ободончилиги, янги йўллар ва гузарлар барпо этиш бўйича лойиҳалар билан ҳам таништирилди.

Самарқанд Давлат университети ректори, профессор Темир Ширинов ҳам ушбу мавзу бўйича ўз таклиф ва мулоҳазаларини баён этди. Унинг фикрича, ЮНЕСКО иштирокидаги тадбирлардан ташқари, «Самарқанд тарихи» китобини, «Самарқанд» энциклопедиясини, «Самарқанд» тарихий безакли альбомини чоп эттириш, «Самарқанд — 2750» ҳужжатли фильмини яратиш, айнан ушбу битикда юбилей медали ва тангасини чиқариш, ушбу битикни чинни идишларда акс эттириш ҳамда дастурда кўрсатилган қатор тадбирларни амалга ошириш зарур.

Дарҳақиқат, Самарқанд шаҳар ҳокимлиги, олимлар жамоатчилиги юбилей тантаналарига тайёргарлик кўришни бошлаб юборишди. Улар Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик тўйини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан ўз чора-тадбирлари режасини тасдиқлаб олдилар. Бу улкан миқёсдаги режалар амалга ошса, Самарқанд, ҳақиқатда ҳам, ер юзининг сайқали эканлиги намоён бўлишига шак-шубҳа йўқ.

Эсирғап БОЛИЕВ.

Мустақиллик: курашлар, изтироблар, қувончлар

«МЕН – ИСТИҚЛОЛ АСКАРИМАН!»

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бўйсара ўспиринлар шаҳдам одим отиб, майдон бўйлаб жанговар машқларни бажаришяпти. Қарашлари қатъий, ҳаракатларида шаҳду шиддат, ғурур мужассам.

* * *

Яқинда хизмат юзасидан Сўх туманига замонавий телеускуна ва янги дарслик, бадиий китоб олиб бордик. Кўрмаган бўлсангиз, эшитгандирсиз: жаннатнинг бир бўлаги-да ўзиям! Виқорли тоғлар, зилол булоқлар, гулимоҳга лиқ тўла жўшқин сой, яшил аланга каби қўкка талпинган арчалар... Энг асосийси, содда ва самимий, меҳнаткаш одамлар... Йўл-йўлакай қўшни мамлакатнинг ҳудудидан ўтишга тўғри келади. Маъзур тутасиз, бировни ерга уриб, қад ростлайдиганлардан эмасмиз. Кимнидир масхара қилиб, ҳушнуд бўлгувчи ҳам биз эмас. Лекин кўрганингдан кейин мулоҳаза қиласан, таққослайсан-да.

"Пост" деб ёзилган, ғилдираксиз "Пазик" автобуси ёнида шўро давридан қолган ҳарбий коржомада сочсоқоли баҳарнав ўсган йигитчалар ўтган-кетганни тўсиш, дўқлаш билан овора. Сўх телевидениеси раҳбари Фарҳод ака камари тиззасигача тушган, қийиқ кўзлари қипқизил "ўнбоши"га менинг кимлигимни роса бир соат тушунтирди. У таърифларни беписанд эшитди-да, тишлари орасидан тупуриб, биз китоб тугул газет ҳам ўқимаймиз, савод йўқ, омалей пулни таниймиз, – деб тиржайди. Сўхга етиб боргач, янги мактабда учрашув ўтказдик. Мушоира кутилганидан файзли, кўтаринки бўлса-да, ҳамон йўл таассуротлари кўнглимни ғашлаб турарди. Охири Фарҳод акадан "Ҳалиги постдаги бола саводсиз бўлса, ҳужжатларни қандай текширади", – деб сўрадим. "Кўп мактаблари тақа-тақ ёпилган. Саводсизлиги рост. Ҳужжат ишлари шунчаки гап, аслида муддао бошқа..." Суҳбатга кўп йиллар таълим тизимида ишлаган кекса адабиётчи Ҳакимжон ота қўшилди: "Вақтнинг шитоб кетаётганини бировнинг фарзандига қараб илғайсан. Бугун ким билан гаплашсанг, умр тез ўтаётганидан нолийди. Теваракдаги минтақаларда эса, вақт ва замон тўхтаб қолгандек туюлади. Туманимиздаги ўзгаришларни кўринг, Иқболжон, йил сайин янгидан янги иншоотлар, кўприклар, йўллар қуриляпти. Мактабларимизни кўринг, энди маза қилиб ўқийдиган, ўқитадиган кунлар келди. Муҳими, одамларимизнинг шашти баланд, умид-ишончи уйғоқ..."

* * *

Буюк одамлар ёнида буюк ишларга чоғланасан. Тоғ тепасига чиқсанг ҳам ана шундай туйғу пайдо бўлади: дунёнинг кенглигини, умр ғанимат эканини ўйлайсан. Яшашга, яратишга улгурямманми, деган савол тинчлик бермайди...

Баъзан "биз кичкина одаммиз", "фақир киши панада" каби "камтарона" эътирофларни эшитиб қоламиз. Бу шўронинг ҳаммани тенглаштириш, аниқроғи, ҳаммани майдалаштириш сиёсати оқибати бўлса ажабмас. Аслида, бу "камтарлик" остида масъулиятдан қочиш, писмиқлик, ҳудбинлик ва айёрлик яширинган. Ўша кичкина одам панада "катта ишлар"ни қилади, катта-катта еб-ютади. Лекин бўйнига асло жавобгарликни олмайди. Дунёни сув босса ўрдакка нима ғам дейди. Мана шу майдалик туфайли эртага фарзандлари, неваралари, бир сўз билан айтганда, келажаги нима бўлишини ўйламайди, ўйлашни истамайди. У шу бугуннинг ғамида, қорнининг ташвишида кун кўради. Ҳа, яшамайди, айнан кун кўради.

Ҳозир қишлоқлардаги маҳалла гузарлари обод бўлиб қолган. Афсуски, шу чиройга ҳуснбузар бўлиб турган уч-тўртта бекорчиҳўжани деярли ҳамма жойда кўриш мумкин. Бир тоифаси "Яратган эгам ризқиниям беради" дейди, мабодо намозхон бўлса, ибодат сўнгида парвардигорга ҳам иддао қилади: "Мана мен, сенинг шартларингни бажаряпман, сен ҳам жаннат ваъдасини бергансан", қабилида ўзича шартнома тузмоқчи бўлади. Астағфуриллоҳ, деб айтай, буларнинг эътиқоди ҳам дунёқараши ва кўнгли каби тор. Улар ташқи аломатларни бирламчи санайдилар. Таҳорат деганда фақат баданни тозалашни тушунадилар, Ҳолбуки, ҳамма ишда юрак поклиги, қалб тозалиги асосийдир. **"Албатта, Аллоҳ Таоло тавба қилувчиларни ва ўзларини мудом пок тутгувчиларни севади" ("Бақара", 222).**

Айни шу ғофил зотлар уч аср давомида миллатни чиммату паранжига чирмаб, хурофот ботқоғига судраган. Ёв ўтолмайди деб, Оқмачит теграсида куф-суф қилиб, ғойибона девор тортиб, Худоёрхоннинг "жонига оро кирган". Тарихдан озгина хабардор одам жаҳолатнинг оқибатини яхши билади.

Яна бир тоифа айш-ишратга мукасидан кетган, на бола-чақа тарбияси, на жамият ва на келажак қайғуси бор. Беш куним – хуш куним, дейди. Уларнинг, юмшоқ қилиб айтганда, жониворлардан фарқи йўқ. Улуғ муҳаддису уламолар, жаҳонгир саркардалар ҳақидаги ҳикояларни эртак деб ўйлашади. Эртага – ё Раззоқ, деб ўзларини овутишади. Бундан минг йилча аввал бобокалон сўз заргари Маҳмуд Кошғарий "Оғилда қулун туғилса, ариқ бўйида ўти унади", деб ёзганидан ва мутафаккир донишманд ўша ўтни чимдиш учун ариқ ёқасига бориш, яъни интилиш, ҳаракат қилиш, изланиш, заҳмат чекиш кераклигига ишора этганидан улар мутлақо бехабардирлар.

Яна бировлар давлатга осилиб олган. Гўё давлат уни бир умр боқиши керак, эъзозлаб – эътибор кўрсатиши, вақти-вақти билан мукофотлаб туриши лозим. "Қайси кароматлар эвазига, тақсир?" деб берилган савол, табиийки, жавобсиздир. Японлар ундоғ яшайди, корейслар бундоғ, деб ёнбошлаган кўйи оғиз кўпиртиришади. Ўша японлар кечаю кундуз чумолидек тиним билмасликларини, ишлаганда мақсадли тер тўкишларини, "Ҳаёт — уммон, ҳаракатсиз одам тощдек чўкиб кетади", деган шиор билан яшашидан, албатта, бехабар. Буёғини ўйлагиси ҳам келмайгини кўпам мушоҳада қилавермаймиз. Улар катта орзулар, буюк ниятлар билан яшаганлар. Бундай ҳаёт кўплар ўйлагандан машаққатлироқ, оғирроқ ва ғоят таҳликали бўлган. Ҳатто ажал чангали ёқаларидан тутганда ҳам на Соҳибқирон, на Бобур Мирзо ўз ғоя-эътиқодидан қайтган эмас. "Бобурнома"ни бир бор диққат билан мутолаа қилган одам бунга имон келтириши тайин. Саркардаларга ҳаловат ҳаром-да, дегувчиларга маънавият даҳоси Навоийнинг турли кентлардаги чеккан заҳматларини эслатиш кифоя бўлса керак. Агар уларда ҳам биз кичкина одаммиз, деган ўзини алдаш афюни бўлганида, тарихимиз чўлу биёбондек шип-шийдам бўларди. Шеърият султонининг **"Тухм ерга кириб чечак бўлди, Курт жондин кечиб ипак бўлди. Лола тухмича ғайратинг йўқму?! Пилла қуртича ҳимматинг йўқму?!"** деган таажжуби бугунги ақлан ва жисмонан танбалларга маломатдек янграйверади.

Биз бировларнинг етовига муҳтож эмасмиз, ўзгалар таклиф этаётган "ҳаммабоп" либос бизга ярашмайди. Бировнинг кемасига чиқиб кўр-кўрона кетаверишга ҳаққимиз йўқ, чунки бизнинг йўқотадиган нарсамиз — беназир меросимиз ҳаддан зиёд кўп. Энди ҳамма гап шу меросга муносиб ворис бўлишда!

Ўтмиш билан фахрланиш керак, ифтихор қилиш зарур, лекин биз фақат шу билангина чегараланиб қолишимиз мумкин эмас. Сабаби — фақат ўтмиш обрўси билан яшаб бўлмайди.

Ислом КАРИМОВ

Дунё қизиқ экан-да. Бир нарсани кузатдим: ўзига тўқ бойваччалар кўпроқ замондан нолишади. Хом сут эмган банда, бўлган сари бўлсам, дер экан, қаноатни, шукронани унутаркан. Кечагина баландроқ уй қуриш, каттароқ тўй қилиш, масжид тугул жанозага бориш, чет элга чиқиш қирқ чиғириқ азоби бўлганини аллақачон эсдан чиқариб юборишган. Гўё бу имкониятлар осмондан тушди-ю, унга абадий хатлаб берилди.

Шуларни ўйлаб, "Ўз уйингни ўзинг асра!" деган чорлов фақатгина уй-жой, қўрғон маъносида эмас, балки кўнгил уйи, қалб қўрғони ҳақида эканлигини идрок этасан. Ҳовлига кириб олган бегона итни таёқ билан уриб ҳайдаш мумкин, аммо кўнгилга оралаган фитна-бузуқликни, таъмагирлик ва қўрқоқликни, хуллас, ёт ғояларни ҳайдаб чиқариш осон эмас.

* * *

Устозим Муҳаммад Юсуф бир учрашувда "Мен — истиқлол аскариман, юрагим қалқон!" деб хитоб қилганди. Майдонда саф тортиб турган ёвқур укаларимга қарайман: юрагим фахру ифтихорга тўлади. Улар қутлуғ мамлакатимизнинг эртанги ҳимоячилари, ҳаётини Ватан истиқболи ва истиқлолига тиккан жўмард йигитлар. Улар тобе юртнинг тақдир измига ташлаб қўйилган қаровсиз болалари эмас, Буюк Иродадан куч олган, ибрат мактабини яратган ўз Олий Бош Қўмондонига эга, суянган тоғи — ишонган боғи бўлган мустақилликнинг аскарлари — темурийлар, бобурийлардир. Ўзимни шу сафда, шу жўшқин қаторда ҳис қиламан. Бу саф бузилмас, метиндек мустаҳкам, келажаги ёруғ бир бутун ЎЗБЕКнинг қутлуғ сафи!

Асрий чинорлар ўктам қасамёд шиддатидан тин олади:

... ХАЛҚИМГА, ПРЕЗИДЕНТИМГА САДОҚАТЛИ БЎЛИШГА ТАНТАНАЛИ ҚАСАМЁД ҚИЛАМАН!

ГАЗЕТАЛАРНИ ВАРАҚЛАГАНДА

ЎТКАЗИБ ЮБОРМАНГ

«Ўзбекистон овози» 8 август.
Асрор Мўмин «Дунёни ҳушёр торттирган боксчи»:

«Русланнинг кучли зарбаларига ғувоҳ бўлган профессионал бокс мутахассислари ва мухлислари унга «Оқ Тайсон» номини беришди. Маълумки, ХХ аср охирида америкалик қора танли боксчи Майк Тайсон профессионал боксининг барча йўналишларида ғалаба қозониб, мутлақ жаҳон чемпиони бўлган. Бугун тажрибали бокс мутахассислари Русланни машҳур Майк Тайсонга ўхшатишяптими, бу унинг профессионал боксдаги ёрқин ғалабаларидан дарақдир».

«Қишлоқ ҳаёти» 8 август.
Дилшод Улуғмуродов «Инсон қалби билан ҳазиллашманг сиз»:

«Таҳририятимиз ўтган давр мобайнида фуқаролардан қарийб икки мингта хатлар олди. Кимдир юртимизда амалга оширилаётган улкан ўзгаришлар, ютуқлар, муваффақиятлар, ибратли ишлар, янгиликлар ҳақида қувониб ёзса, кимдир жойлардаги камчиликлар, раҳбарларнинг масъулиятсизлиги, совуққонлиги оқибатида муаммосининг ечимини ўз жойида ҳал қилолмаётганлигидан куюниб ёзади. Таҳририят томонидан фуқароларнинг бундай шикоятларини ўрганиш ва муаммо ечимини топиш мақсадида хатларнинг баъзилари жойлардаги мутасадди идораларга йўлланади.

«Фидокор» 8 август.
Ибодулла Эргашев «Миллий қадриятлар демократияга зид эмас»:

«Нега, ҳамон айрим халқларнинг маданиятини бир қолипга солиш, умумий универсал андозани тарғиб қилиш, маданиятдаги миллий, умуминсоний элементларни бир-бирига қарши қўйиш билан боғлиқ уринишлар тўхтамаяпти?

Бу жуда нозик масала бўлиб, узоқни мўлжалга олганлиги билан характерлидир. Чунки, маънавият, ахлоқ-одоб, маърифат каби қадриятлар сиёсий маданиятнинг ҳам муҳим асоси ва шарти сифатида ўзига хос демократик тараққиётда ўзининг аниқ ифодасини топади».

«Тошкент оқшоми» 7 август.
Аҳрол Обидов «Нега бунга эътибор бермаймиз?»:

«Ўрикзорларнинг ҳосили йиғиштириб олинаётганда данаклар исроф бўлади. Уни ўрик сингари териб олиб, қабул пунктларига топширилса ёмон бўлмасди. Хўш, нега жойларда ўрик ва баргак қабул қиладиган пунктлар бору, данакни харид қилувчилар йўқ? Маълумки, мева данаги мағзидан олинган жувоз ёғи таъмли ва тотимлидир. Ёғ заводларида данак мағзидан ёғ олишни йўлга қўйиш кони фойда эмасми?».

«Инсон ва қонун» 8 август.
Валижон Юсупов «Саодатга йўғрилган диёр»:

«Истиқлол йиллари муқаддас диёрда буюк ўзгаришлар юз кўрсатди. Ҳурлик туфайли Бухоро эзгуликка, истиқболга, саодатга, ёруғликка йўғрилиб бормоқда. Жаҳон тамаддунининг беназир гавҳари — кўҳна ва навқирон Бухоро бағрида ҳали истиқлол чашмалари кўз очаверишига, ҳурлик шукуҳи қувват олаверишига иймонимиз комил».

Ўзбек талабалари Хитойда таҳсил кўришади

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ) Ижрочи котиби Чжан Дэгуан Хитойда ШҲТ йўналиши бўйича таҳсил олаётган ўзбекистонлик талабалар билан учрашди.

ШҲТга аъзо мамлакатлар олий ўқув юртлари талабалари ХХРда хитой тилини бепул равишда ўрганишини назарда тутувчи мазкур ўқув дастурига Чжан Дэгуаннинг шахсий ташаббуси билан асос солинган эди. Таълим маскани этиб Шаанси провинциясидаги Сиан университети танланганидан сўнг, ШҲТ котибияти дипломатик каналлар орқали аъзо мамлакатларга тегишли таклифномаларни жўнатди. Юртимиз вакиллари сифатида Хитойга Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ва Тошкент давлат шарқшунослик институтининг тўрт нафар талабаси таҳсил олиш учун келди.

Ўзбекистонлик талабалар Хитой пойтахти Пекин шаҳрида бўлишганда, ШҲТ Котибиятига ҳам ташриф буюришди. Уларни бу ерда Чжан Дэгуан қабул қилди.

— Ушбу дастурнинг йўлга қўйилиши билан ташкилотимиз тарихида янги саҳифа очилганига аминман, — деди ШҲТ котиби. — Мен бу ўқув дастурининг келажаги порлоқ эканига ва сизлар юртингиз равнақига муносиб ҳисса қўшувчи ажойиб мутахассислар бўлиб етишишингизга ишонаман.

Ватандан олисда таҳсил олиш, янги шароитга мослашишни талаб этади, — дея таъкидлади Чжан Дэгуан. Шу билан бирга у ШҲТ йўналиши бўйича Хитойда ўқиш истагида бўлганлар сони йилдан-йилга ўсиб бораверишига ишонч билдирди. Чжан Дэгуан Сиан университетига ташриф буюриб, ўзбек талабалари билан яна бир бор учрашишга ваъда берди.

«Жаҳон» АА.
Пекин.

Портлашлар кундалик воқеага айланиб қолди

Ироқда портлашлар кундалик воқеага айланиб бормоқда, дея хабар беради «Би-Би-Си». Бағдод марказида рўй берган хунрезлик оқибатида тўққиз киши ҳалок бўлди, яна 8 нафар аҳоли турли даражада жароҳатланди. Бағдоднинг икки полиция участкасида ҳам портлаш рўй берди. Мамлакат Ички ишлар вазирлиги вакилининг маълум қилишича, уч нафар ҳуқуқ-тартибот идораси ходими жароҳатланган.

Манбада келтирилишича, ҳар куни турли отишмалар ва портлашлар оқибатида ўртача 100 нафар бегуноҳ одам қурбон бўлаяпти.

ОЛАМ НАФАСИ

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

Музокаралардан умид борми?

Расмий Байрут Исроил армияси Ливандан чиқиб кетгандан сўнг мамлакат жанубига 15 минг нафар ҳарбий жўнатиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Ҳукуматнинг фавқулодда ўтказилган йиғилишидан сўнг мамлакат ахборот вазири Гази Амриди шу ҳақда гапирди. Қарорда айтилишича, Ливан армияси ҳудудда назоратни ўрнатишда БМТнинг тинчликпарвар кучлари ёрдамидан фойдаланади.

«Франс пресс» ахборот агентлигининг хабар тарқатишича, араб давлатлари ташқи ишлар вазирлари учрашувида Ливан Бош вазири Фуад Синиор ҳужумни ҳеч бир шартсиз зудлик билан тўхтатишни талаб қилди. Айнан шу масалада кеча БМТ Хавфсизлик Кенгаши аъзолари, шу билан бирга араб давлатлари лигаси вакиллари ҳамда Исроил иштирокида музокаралар бошланди. АҚШ ва Франция томонларни тинчликка чақирувчи резолюция лойиҳасини тайёрлади. Бироқ Араб давлатлари лигаси ҳамда Ливан вакили резолюцияда Исроил бостириб кирган ҳудудларни зудлик билан тарк этишига чақириқ ўз ифодасини топиши лозимлигини талаб қилишмоқда.

«ГАЗ» «Егуар»ни сотиб олмоқчи

Автомобиль ишлаб чиқариш бўйича Россияда иккинчи ўринда турадиган «ГАЗ» компанияси эгаси Олег Дерипаска «Егуар» заводини сотиб олишга ҳаракат қилмоқда. Айни пайтда ушбу завод Американинг «Форд» компаниясига тегишли. «Форд» компанияси раҳбари Билл Форднинг Буюк Британияда чоп этиладиган The Guardian газетаси мухбирига берган интервьюсида таъкидлашича, компания айни пайтда молиявий қийинчиликларни бошидан кечирмоқда. Лекин шундай бўлса-да, у сотилмайди.

Эслатиб ўтамиз, «Форд» жорий йилнинг иккинчи чорагини 123 миллион доллар зарар билан якунлаган. Компания «Егуар»ни 1989 йилда 1,6 миллиард долларга харид қилганди. 2004 йилдан буён компания ишлаб чиқараётган маҳсулотларга дунё бозорида эҳтиёжнинг камайиб кетиши «Форд»ни қийин аҳволга солиб қўйди.

Академикни айблашди

Россиялик академик Оскар Кайбишев рус олимлари томонидан яратилган технологияларни Жанубий Корея компаниясига ноқонуний тарзда бериб юборганлиги учун шартли равишда 6 йилга озодликдан маҳрум қилинди. Шунингдек, у уч йил мобайнида илмий муассасаларда раҳбарлик қилиш ҳуқуқидан ҳам маҳрум этилди. Энг ачинарлиси, академик Уфа юқори пластик металл муаммоларини ўрганиш институтига 3,5 миллион рубль миқдорда жарима тўлайди.

Кайбишев ўзига нисбатан қўйилган барча айбларни рад этди. Унинг сўзларига қараганда, мазкур технология, яъни юқори пластик металл ишлаб чиқариш бўйича АҚШ ва бошқа бир қатор Европа мамлакатларида патент олинган ҳамда жаҳон бўйлаб тарқаладиган илмий журналларда бу ҳақда кўплаб мақолалар чоп этилган. У мазкур иш қайта кўриб чиқилишини сўраб, юқори инстанция судига мурожаат қилишини билдирди. Кореялик мутахассислар мазкур илмий кашфиётдан автомобилларга дисклар тайёрлашда фойдаланаётган бўлса-да, Федерал хавфсизлик хизмати экспертларининг фикрича, компания мазкур технологияни ракета ва қурол ишлаб чиқаришда ҳам қўллаши мумкин.

Қувурдаги ҳалокат

«Бритиш Петролеум» компанияси Аляскани шимоли-шарқида жойлашган Прудхо қўлтиғида нефть қазиб олишни тўхтатди. Бу ердан кунига 400 минг баррель, яъни АҚШнинг 8 фоизлик эҳтиёжига етарли нефть қазиб олинади. Компания раҳбарияти нефть қувуридаги носозлик шундай йўл тутишга мажбур қилганини билдирди.

«Бритиш Петролеум» ҳалокат сабаблари тўлиқ бартараф этилиб, ҳукумат комиссияси томонидан носозлик атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатмаслигига ишонч ҳосил қилинмагунча «қора олтин» қазиб олиш тикланмайди.

Ливанга нисбатан олиб борилаётган уруш ҳамда Аляскада юз берган ушбу ҳодиса дунё бозорида нефть нархнинг 1,4 фоизгача, яъни 77,2 долларгача кўтарилишига сабаб бўлди.

Видеотасма гувоҳлик беради

Сербия ҳукумати собиқ Югославияда амалга оширилган ҳарбий жиноятлар ҳақида гувоҳлик берувчи видеотасмани Гаага трибуналига жўнатди. Унда 1995 йилда Хорватия армияси томонидан бир сербнинг ваҳшиёна ўлдирилиши акс эттирилган. Ўтган жума куни маҳаллий телевидение орқали ушбу видеотасма эфирга узатилди. Бу эса мамлакат бўйлаб катта шов-шув кўтарилишига сабаб бўлди.

Сербия президенти Борис Тадич Хорватия ҳукуматини мазкур видеотасмадаги жиноят юзасидан атрофлича текширув ўтказишга чақирди. Унинг сўзларига қараганда, оммавий қирғинларнинг бошида турган ва содир этганлар қилмишларига яраша жазо олишмас экан, Сербия ва Хорватия ўртасида яқин қўшничилик алоқаларини тиклаб бўлмайди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Кашандага иш йўқ

Эндиликда Европа Иттифоқидаги тадбиркорлар кашандаларни ишга олмаса, қонунга зид хатти-ҳаракат қилганликда айбланмайдилар. Тенглик ва ижтимоий сиёсат масалалари билан шуғулланувчи еврокомиссар Владимир Шпидла шундай баёнот билан чиқди. Унинг сўзларига қараганда, амалдаги қонунларга биноан кашандаларни иш ўринлари билан таъминланиш ҳуқуқи чегараланади.

"LOK Kolor SINTEZ" ҚК
ишлаб чиқарувчи - завод
кенг ассортиментда тақдим этади
ЛОК-БЎЁҚ МАҲСУЛОТЛАРИ
САНОАТ ҲАМДА ҚУРИЛИШ ЭҲТИЁЖЛАРИ УЧУН
ИНТЕРЬЕР УЧУН СУВЛИ ҚОПЛАМАЛАР
(девор ва шифтлар учун)
ФАСАД УЧУН ҚОПЛАМАЛАР
(пропитка, грунтовка, бўёқ)
универсал АЛКИДЛИ ЭМАЛИ
пол учун ЭМАЛЬ
томлар ва юк вагонлари учун ЭМАЛЬ
сув ҳавзалари учун БЎЁҚЛАР
СУВГА ВА КИМЁВИЙ ТАЪСИРЛАРГА ЧИДАМЛИ
АКРИЛАТЛИ ҚОПЛАМАЛАР саноат ускуналари,
локомотив, қишлоқ хўжалиги ва йўл машиналари,
йўл чизгилари учун БЎЁҚ
ёғоч ва бўялган юзалар учун (рангли ва рангсиз)
ЛОКЛАР, ҲИМОЯВИЙ ҚОПЛАМАЛАР (турли юзалар
учун грунтовка, шпатлевка)
Шунингдек, АЛКИД СМОЛАСИ (лок-бўёқ саноати учун мўлжалланган яримфабрикат лок)
Ушбу маҳсулотларимизни бизнинг КОРХОНА МАГАЗИНИДАН завод нархида сотиб олишингиз мумкин, манзилимиз: Тошкент ш., «Фарғона йўли» к., 13/22
КОРХОНА 200 л. бочкаларни (металл, пластмасса) сотиб олади.
Маълумот учун тел. 191-44-46
Ўзбекистон 700005, Тошкент ш., «Фарғона йўли» кўчаси, 13/22
Тел.: (998 71) 191-47-41, 191-80-94 Факс: (998 71) 191-74-63
E-mail: lokcolor_uz@mail.ru

ПРЕДЛАГАЕМ СТРОИТЕЛЬНЫМ, КАДАСТРОВЫМ, ИЗЫСКАТЕЛЬСКИМ ОРГАНИЗАЦИЯМ:
- измерительные приборы для строительства;
- приборы и оборудование неразрушающего контроля и технической диагностики;
- оптические нивелиры и теодолиты, цифровые и лазерные нивелиры;
- рулетки фиберглассовые и металлические (3м, 5м, 8м, 20м, 25м, 30м, 50м, 100м), телескопические нивелирные рейки;
- электронные теодолиты, безотражательные дальномеры, GPS-приемники, электронные тахеометры, персональные и автонавигаторы GARMIN.
Возможен кредит
ул. Навои, 2а. Тел.: 142-46-31, 316-59-41. Факс 134-53-66.
E-mail: geo_inform@yahoo.com
услуга лицензирована Авторизованный партнер Trimble товар сертифицирован

«Ипак Йўли» банки: Экспресс-марказлар тармоғи кенгаяди

Юридик ва жисмоний шахсларга қулайлик яратиш ҳамда банк хизматларини тез ва ўз вақтида кўрсатиш мақсадида «Ипак Йўли» банки доимий равишда ўз экспресс-марказлар тармоғини кенгайтириб бормоқда.

Бу экспресс-марказлар шаҳарнинг аҳоли ва корхоналар учун қулай бўлган жойларида қуйидаги хизматларни кўрсатади: юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар учун касса ҳисоб-китоб операциялари, микрокредитлар олиш бўйича маслаҳат бериш, аҳоли учун коммунал тўловларини амалга ошириш, пул ўтказмаларини ўтказиш, аҳолидан омонатлар қабул қилиш, валютани айирбошлаш, хорижий валюталарни олиб чиқишга рухсатнома бериш, пластик карточкалар бўйича хизматлар кўрсатиш.

Йил бошидан бери 4 та экспресс-марказ — «Қизилтепа» (Навоий шаҳрида), «Бухоро» (Бухоро шаҳрида), «Сағбон», «Алоқа» (Тошкент шаҳрида) Яккасарой туманида битта филиал фаолият юритишни бошлади. Шу йил давомида яна битта филиал Тошкент шаҳрида очилиши режалаштирилмоқда.

«Ипак Йўли» банки экспресс-марказлар тармоғини кенгайтириш орқали мижозлари сони ва операциялар кўламини ҳамда хизмат кўрсатиш сифатини ҳам оширишни мақсад қилиб қўйган.

2006 йил 7 августидан Тошкент ахборот технологиялари университети биносида фаолият юритишни бошлаган «Алоқа» экспресс-маркази ҳам бунга мисол бўла олади.

ГАЗ РУСУМЛИ РОССИЯ АВТОМОБИЛЛАРИ
Ўзбекистондаги расмий эксклюзив дистрибьютер AVTODOM PLUS
ГАЗ-31105, «ВОЛГА»
ГАЗ-3221, Микроавтобус, 15 ўриндиқли
ГАЗ-33023 «Фермер», юк кўтариши — 1,5 тн., 6 ўриндиқли
ГАЗ-3309 Турбодизель юк кўтариши — 4,5 тн., 2 ўриндиқли
ГАЗ-2705, 7 ўриндиқли металл билан қопланган фургон, юк кўтариши — 1,3 тн., 3 ёки 7 ўриндиқли
ГАЗ-3307, 40 та газ баллонлари ташувчи
ТЎЛОВ ШАКЛИ — ТУРЛИЧА
ГАЗ-3307 Автоэвакуатор
ГАЗ-3302, нон ташийдиган, лотоклар сони — 112 та, 3 ўриндиқли
700015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., «Шаҳрисабз» к., 16-«А» уй.
Тел./факс: (998-71) 132-12-01, 132-10-35, 132-03-62.
Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-12-94, 126-25-42.
E-mail: info@auto.uz
web-site: www.auto.uz
ТАШКИЛОТ КЕНГ ТУРДАГИ «ГАЗ» РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ
- «Волга» автомобиллари;
- 6-15 ўриндиқли микроавтобуслар;
- 3-7 ўриндиқли металл билан қопланган (цельнометаллические) фургонлар, юк кўтариши — 0,8 тн.;
- 1,5-4,5 тн. юк кўтарадиган юк машиналари.
ШУНИНГДЕК, МАХСУС ТЕХНИКАЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:
ТЕЗ ЁРДАМ МАШИНАЛАРИ: «Волга», «Газель», «Соболь».
ЮК МАШИНАЛАРИ: озиқ-овқат, саноат моллари ва нон ташийдиган; изотермик, вакуумли ассенизаторлар, автогидрокўтаргичлар, автоустахоналар, бурғулаш (буровые), чиқинди ташийдиган, мобил билбордлар, автоэвакуаторлар.
АВТОЦИСТЕРНАЛАР: сут ташийдиган, ёнилғи ташийдиган, самосваллар.
АВТОМОБИЛЛАР — КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГГА

Давлат, хусусий ва бошқа мулкчилик шаклидаги корхоналар раҳбарлари диққатига!
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИГИ
қуйидагиларни харид этишини эълон қилади:
- КОМПЬЮТЕР ТЕХНИКАСИ;
- ПРИНТЕРЛАР.
Маълумот олиш учун телефон: 139-88-62.
Манзил: Тошкент ш., Кичик халқа йўли к., 4-уй.

Кино

Кинорежиссёр Зулфиқор Мусоқовнинг "Ватан" фильмини тўрт марта томоша қилдим. Дастлаб уни кўрганимда кўзларимдан дув-дув ёш тўкилганди. Кейин иккинчи марта, сўнг учинчи, тўртинчи... Ҳар гал "Ватан"дан ўзгача таассуротлар билан чиқардим. Энг қизиғи, фильмни ҳар сафар худди биринчи марта кўраётгандек ҳаяжонланардим...



ЮРАКДА ТУҒИЛГАН «ВАТАН»

Бугун кинотеатрларимиз томошабинга тўла экани, кетма-кет фильм тақдимотлари бўлаётгани, албатта, қувонарли. Бироқ гап фақат томоша залларини тўлдиришда эмаслигини тан олган ҳолда фикрлашга ўргатувчи асарлар камлигини тилга олиш даркор. Тақдим этилаётган фильмларда маъно, ўзига хослик, кучли драматургия, профессионал режиссура мужассам бўлиши керак. Йўқса, ўсиб келаётган ёш авлоднинг дунёқараши кенг бўлиши, мақсади йўлида қатъиятлликни ўрганишига тўсқинлик қилган бўламиз. Ижодкор ҳаминқадарликдан қочиши, бошлаётган ҳар бир ишига юракдан ёндашиши лозим. Зулфиқор Мусоқов яратаётган фильмларининг ана шу жиҳатларига жиддий эътибор қаратади. Бунинг исботи сифатида "Ватан" кинофильмини эътироф этиш мумкин. Хўш, "Ватан" нима учун томошабинларга ёқди? Нега у фақатгина юртимиз эмас, балки москвалик мутахассис ва мухлисларни ҳам йиғлата олди? Ваҳоланки, "Ватан" аталмиш сўзнинг ўзида қанчалар юк бор. Уни шунчаки баландпарвоз гаплардан иборат фильм бўлиб қолмаслиги учун режиссёр имкон қадар юракдан ишлашга, ҳар бир қаҳрамон ўрнига ўзини қўйиб кўришга ҳаракат қилган.

— Бундан бир неча йил аввал мен касбим тақозоси билан маълум муддат Москвада қолиб кетишимга тўғри келди, — дейди режиссёр. — Ўшанда икки фарзандимнинг Ўзбекистонни соғинаётганини айтиб ўртанганлари, ўзимнинг ҳам у ерда қанчалар муваффақиятга эришаётганимга қарамай, она тупроғимни қўмсайверганим ҳеч эсимдан чиқмайди. Аслида мана шу кечинмалар бир пайтлар онамдан эшитиб, йиллар давомида қалбимнинг бир четида асраб юрган фикрни юзага чиқаришимга сабаб бўлди...

— Дада, "ватан-ватан" дейсиз, сизга нима берди ватанингиз? Ватан деб жангларда жон олиб жон бердингиз, борингиздан жудо бўлдингиз! Ватан сизга нима берди?!

— Ватаним онадай, ундан таъма қилиш гуноҳи азим...

Бу сўзлар фильмдаги қаҳрамонлар суҳбатидан олинган. Шу бир оғиз гап замирида она Ватанга бўлган муҳаббатнинг беғараз ва самимий экани очиб берилган. Ватанни қандай бўлса, борича севиш фалсафаси илгари сурилган. Машъум уруш туфайли киндик қони тўкилган тупроқдан бир умрга мосуво бўлган фильм қаҳрамони Қурбоннинг аччиқ хотираларига шерик бўлиш асосида киши беихтиёр тинчликнинг, ватан бағрида яшашнинг қанчалар олий саодат эканини яна бир бор ҳис қилади.

...Уруш ҳали ўн гулидан бир гули очилмаган Қурбоннинг умрини армон аталмиш зулмат қаърига итқитади. Уруш унга ҳам, севиклиси Гунафшага ҳам шафқат қилмайди. Уруш улар умрини хазон қилади. Улар хоинга чиқарилиб, совуқ ўлкаларга сургун бўлишади. Қаҳратон совуқ жойларда уларни учраштирган тақдир деганлари яна бир-бирларидан айиради... Ва ниҳоят, 60 йил ўтиб, ҳаёти изга тушган, бола-чақаларининг роҳатини кўриб, ҳеч кимдан кам бўлмай яшаётган Қурбон ота ўз юртига қайтмоқни ихтиёр этади. Ватанга ташриф эса йиллар давомида қалбнинг туб-тубида кўмилиб ётган изтиробу аламларни юзага чиқаради. Унинг кўз ўнгида янгитдан жонланаётган олис уруш андуҳлари ҳар қандай одамни-да йиғлатишга, ўйлантиришга қодир.

Манноп Убайдуллаев, Обид Юнусов, Раъно Шодиева, Бобур Йўлдошев, Темур Мусоқов каби актёрларнинг ҳар бири учун фильмда ўзига хос ўрин бор. Улар ҳам режиссёр каби ҳар бир эпизодга юракдан ёндашишган.

Фильмнинг Алишер Навоий номли санъат саройидаги намойишида бир талаба қизни учратдим. У ёнгинамда ўтирар, бутун диққат-эътибори экранда эканидан унинг воқеалар ичига шўнғиб кетганини англаса бўларди. Фильм ниҳоясидан сўнг уни суҳбатга тортдим.

— "Ватан"нинг мавзусини ҳазм қилиш қанчалар оғир бўлмасин, режиссёрнинг маҳорати туфайли у зерикарли бўлиб қолмаган, — дейди Гавҳар Мўминқулова. — Ҳаяжонли дақиқалар давомидаги самимий, кўпинча ҳаётда учраб турадиган кулгили лавҳалар унинг қизиқарли чиқишини таъминлаган.

Ҳар ҳолда бу томошабиннинг фикри. Энг холис баҳо берувчи, эътирофга лойиқ асарни алқагувчи, нобопини эса инкор қилувчи — бу фақат томошабин. Қолаверса, вақт аталмиш олий ҳакам борки, йиллар оша унинг синовидан ўтган асар ўз-ўзидан маънавий хазинага айланиб бораверади. Дарвоқе, "Ватан" фильми апрель ойида Москвада бўлиб ўтган нуфузли фестиваль — МДҲ ва Болтиқбўйи мамлакатлари киноижодкорларининг анъанавий халқаро кинофорумида энг яхши фильм сифатида тан олинди. Шунинг ўзиёқ фильмнинг муваффақиятидан дарак, бизнингча...

Зулфиқор Мусоқов юракдан ишлайдиган, кино санъатимиз тараққиётига ҳисса қўшишга интилаётган режиссёрлардан. У худди ўзи каби самимий фильмларида инсон руҳиятини очиб беришга ҳаракат қилади. Танланган мавзу устида чуқур мушоҳада юритиш, шу аснода томошабинни ҳам мулоҳазага чорлаш унинг ўзига хос услуби, десак янглишмаган бўламиз.

— Шифокорлар, қонун ҳимоячилари ва мудофаа хизматидагиларнинг хато қилишга ҳаққи йўқ, — дейди у, — чунки ҳар учала соҳанинг ҳам замирида инсон тақдири ётади. Мен ана шу уч соҳа қаторига санъатни, хусусан ўзим фаолият юритиб келаётган кино соҳасини ҳам қўшган бўлардим. Сабаби, шифокор беморнинг жисмини даволаса, биз инсоннинг руҳини даволашга масъулмиз, қонун ҳимоячиси одамларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилса, бизнинг касб эгалари уларнинг маънавиятини, тафаккурини турли ёт таҳдидлардан пана қилади. Шу боис ҳам омма эътиборига ҳавола этилаётган фильмда инсон руҳиятини ҳақиқий маънода юксакликка элтувчи, ибрат ва мантиққа бой мавзу устунлик қилиши керак.

Муборак ОХУНОВА,
"Халқ сўзи" мухбири.

КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ВА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА !

«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АК
«ШАҲАРЛАРАРО АЛОҚА КОРХОНАСИ» ФИЛИАЛИ

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида минглаб километр узунликда металл қобиғли ва замонавий шиша толали магистраль алоқа линиялари ётқизилганини ва ишлаб турганини эслатиб ўтади.

Республика телекоммуникация тармоқларини реконструкциялаш ва ривожлантириш миллий дастурига мувофиқ алоқа тизими жадал ривожланмоқда, замонавий узатиш тизими билан жиҳозланган янги алоқа линиялари қурилмоқда. Алоқа линиялари муҳофазасини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 майдаги 210-сонли қарори билан "Телекоммуникация линиялари ва иншоотларини қўриқлаш қоидалари" қабул қилинган ва тасдиқланган. Барча корхоналар, ташкилотлар, муассасалар раҳбарлари ва жисмоний шахслар томонидан ушбу қоидаларга амал қилиш ва магистраль алоқа кабелларига шикаст етказмасликлари шартлиги кўрсатиб ўтилган.

Қуйидаги телефонларга мурожаат қилиб, кабель магистраль линиялари ўтган жойлар ҳақида тўлиқ маълумот олишингиз мумкин. Шаҳарлараро алоқа линияларининг шикастланиши алоқа корхоналарига моддий зарар етказади, халқаро, шаҳарлараро алоқалар, ахборотлар узатиш тизимларида тўхташлар юз беришига олиб келади. Эсда тутинг! Алоқа линияларини шикастлантирган корхоналар, ташкилотлар ва жисмоний шахслар алоқа корхоналарига келтирилган моддий зарарни тўлайдилар. Қандайдир ер қазиш ва қурилиш ишларини амалга ошириш зарурияти туғилиб қолган тақдирда, сиз кабель трассасини ўзбошимчалик билан аниқлашга уринманг, буни фақат бизнинг вакилимиз амалга оширади. Кабель участкаси манзили кабель жойлашган трасса белгисида кўрсатилган.

Магистраль алоқа линияларини эксплуатация қилувчи боғламалар манзиллари ва телефонлари:

"Шаҳарлараро алоқа корхонаси" филиали:	
Тошкент ш., А.Толстой к., 23-уй, ком-р.	144-61-08, 132-01-26, 144-29-59
ЛКЦ-0 Тошкент ш.	50-36-79, 380-40-35
КУ-1 Тўйтепа ш.	21-306, 21-121,186-57-51
КУ-1 ф-л Ангрен	2-27-61, 186-57-51
ЛТЦ Бекобод	2-54-11, 316-97-53
1-Шаҳарлараро магистраль алоқа техник боғламаси манзили:	
Тошкент ш., А.Хўжаев к., 29-уй.	135-36-59
КУ-1 Тошкент ш., Буюк Ипак йўли к., 264-уй.	65-80-43
КУ-2 Янгийўл ш., Чарикова к., 172-уй.	168-72-86
КУ-3 Тўйтепа ш.	168-48-51
2-ШМАТБ манзили: Қўқон ш., Истиқлол к., 58-уй.	55-2-24-71
КУ-2 Бешариқ тум. маркази, Сирдарё к., 9-уй.	61-2-23-66
КУ-3 Наманган ш., Нуробод мас. телеминора.	25-08-82
КУ-4 Андижон ш., Чўлпон к., 9-уй.	22-23-81
КУ-5 Янгиқўрғон тум. маркази, Чустий к., 1-уй.	52-9-24-55
3-ШМАТБ манзили: Гулистон ш., Дўстлик кўр.	27-16-20
КУ Сирдарё ш.	57-28-98, 57-34-36
КУ Жиззах ш.	77-05-27, 6-22-07
ЛТЦ-2 Янгиер ш.	72-30-28, 72-30-24
4-ШМАТБ манзили: Булунғур ш., Самарқанд к., 18-уй.	33-52-60
5-ШМАТБ манзили: Бухоро ш., Ғиждувон к., 69-уй.	223-38-37
6-ШМАТБ манзили: Нукус ш., Ашхобод к., 1-уй.	222-37-07, 222-00-43
КУ Тўрткўл ш.	532-30-60, ички 1-42
КУ Беруний ш.	524-30-60, ички 1-38
7-ШМАТБ манзили: Термиз ш., Гагарин к., 32-уй.	3-59-07
ЛТЦ-16 Денов ш.	7-37-62
8-ШМАТБ манзили: Қарши ш., Ҳуснобод к., 1-уй.	221-02-41
ЛТЦ-15 Ғузор ш.	55-22-1-67
9-ШМАТБ манзили: Урганч ш., Дўсов к., 2-уй.	226-36-58, 226-36-33
10-ШМАТБ манзили: Навоий ш., Кармана к., 2-б уй.	224-75-21
КУ-3 Каттақўрғон ш.	45-5-24-54
КУ-4 Ғиждувон ш.	57-2-14-75

Кабель магистраль алоқа линиялар муҳофаза зонасига рухсатсиз кириб ишлаш ва уларга шикаст етказувчи ҳар қандай турдаги ишларни бажариш,

жумладан:

- *рухсатсиз қурилиш ишлари олиб бориш ва иншоотлар тиклаш;*
- *кабель магистраль алоқа линиялар трассалари устидан йўл ва ўтиш жойлари ўтказиш, автомобиль, трактор ва бошқа транспорт воситалари учун тўхташ жойлари қуриш, жамоатчилик боғлари ва томорқалар ташкил этиш;*
- *кабель магистраль алоқа линиялари ўтган жойларни кўрсатувчи огоҳлантириш устунларини ва белгиларини ўзбошимчалик билан кўчириш, синдириш, кўмиб юбориш;*
- *турли хил тоғ, қурилиш-монтаж ва портлатиш ишларини олиб бориш;*
- *кабель магистраль алоқа линиялар муҳофаза зонасидан қудуқлар қазиш, шурф қурилиши ҳамда геологик, геодезия ва бошқа қидирув ишларини олиб бориш;*
- *турли хил чиқиндилар ташлаш, кислота, туз ва ишқор эритмаларини тўкиш;*
- *магистраль линиялари ўтган ерда гулханлар ёқиш ТАҚИҚЛАНАДИ!*

ҲУШЁР ВА ЭҲТИЁТКОР БЎЛИНГ!
АЛОҚА КАБЕЛЛАРИНИНГ ШИКАСТЛАНИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАНГ!

"Ўзбектелеком" АК "Шаҳарлараро алоқа корхонаси" филиали

Спорт

Эпчил ва чаққон қизлар

Спортнинг нафис турларидан саналган бадиий гимнастика ва синхрон сузиш мамлакатимизда жадаллик билан оммалашиб бормоқда.

Айниқса, бу борада Жиззах вилоятида амалга оширилган ишлар эътиборга лойиқ. Вилоят ҳокимининг 2005 йил 5 декабрдаги «Вилоятда спортнинг бадиий гимнастика ва синхрон сузиш турларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори чиққан пайтда аввалги саъй-ҳаракатлар натижаси ўлароқ, жиззахликлар бадиий гимнастика бўйича муайян натижаларга эришиб улгурганди. 2004 йил охирларида қўшни Самарқанд вилоятидан таклиф этилган Ирина Ниёзова, Светлана Бекбоева каби мураббийлар вилоят ўқувчилар саройида Жиззах шаҳар болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг бадиий гимнастика тўгарагини ташкил этишди. Шаҳар мактабларидан танлаб олинган ўқувчи қизлар илк сабоқларни ола бошлашди. Кўп ўтмай 12 нафар гимнастикачи республика мусобақасида илк бор қатнашиб, 12-ўрин билан чегараланишди. Улар 2005 йил бошида 14 та вилоят жамоалари ўртасида 10-ўринни эгаллашгани гимнастикачи қизларга ҳам, уларнинг мураббийларига ҳам ишонч бағишлади. Бу орада Дўстлик туманида ҳам гимнастикачилар тўгараги иш бошлади.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бошқармаси, вилоят электр тармоқлари корхонаси, насос станцияларини таъмирлаш бошқармаси ҳомийлигида бадиий гимнастика учун зарур бўлган 7 миллион сўмлик спорт жиҳозлари муаммоси ҳал этилди.

— Ҳаммасидан ҳам вилоят ҳокимининг шаҳардаги ёпиқ сузиш ҳавзаси ва теннис кортини бадиий гимнастика ва синхрон сузиш секциясига бериш ҳақидаги қарори биз учун айни муддао бўлди, — дейди Жиззах шаҳар болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори Анвар Нормуродов. — Шу кунларда ҳар икки спорт кошонаси янги тўгараклар учун мослаштирилиб, қайта таъмирланмоқда.

Мустақилликнинг 15 йиллик байрами арафасида фойдаланишга топшириладиган улкан зал ва бассейнда бадиий гимнастикачилар Ўғилой Абдураҳмонова, Дилшода Зоирова, Зилола Усмонова ва бошқалар катта мусобақаларга тайёргарлик кўришмоқда. Спортнинг синхрон сузиш тури бўйича қалдирғочлари Комила Аюпова, Мария Шишнёва кабиларнинг издошлари кўпаймоқда. Дарвоқе, яқиндагина илк бор республика биринчилигида қатнашган синхрон сузувчи қизларнинг «Дуэт», «Сола» программалари бўйича тайёрлаган дастурлари яхши баҳоланди.

Зоминлик қизлар бадиий гимнастика билан шуғулланаётганини эшитиб, қизиқдик. Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби қошида очилган тўгаракка мураббий Ш. Абдурасулова 50 нафарга яқин қизни жалб этиб улгурибди. Пахтакордаги ёпиқ бассейнда синхрон сузиш машғулотларини бошлашга тайёргарлик кўраётган мураббий Ғайрат Султонов хотин-қизлар ўртасида спортнинг бу турига қизиқувчиларнинг иқтидорлилари кўплигидан завқланиб гапирди.

Яқингача жиззахликлар учун спортнинг ноёб тури ҳисобланган бадиий гимнастика ва синхрон сузишнинг тез оммалаша бошлагани эътиборлидир.

Баҳриддин САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Муҳаммад АМИН
ЎзА олган суратлар.

Футбол

Ўзбек футболига илк тамал тоши салкам бир аср аввал сўлим Фарғона водийсининг Қўқон шаҳрида қўйилганлигини ҳамма ҳам билавермаса керак. Қўқонда бошланган футбол ўйини кўп ўтмай водийнинг бошқа шаҳар ва қишлоқларига, кейинчалик бутун Туркистон ўлкасига тарқалган.

Анъанавий турнир бошланди

Яйпанлик пахта тозалаш заводининг оддий ишчиси, аввал футболчи, кейин мураббий бўлиб ишлаган Олимжон Акбаров ўзбек футболи фидойиларидан бири эди... Ўтган йили Яйпан шаҳрида Олимжон Акбаров хотирасига бағишланган турнир ҳақиқий футбол байрамига айланиб кетганди. Шу баҳона туман марказий стадионига водийнинг қалдирғоч футболчиси Олимжон Акбаров номи берилганди. Кейинроқ Олимжон Акбаров хотира турнири Тошкентда журналистлар ўртасида ҳам давом этди. «Спорт» ва «Ўзбекистон футболи» газеталари совғини учун ўтказилаётган мазкур турнирда газета, журнал, телевидение ва радиода фаолият кўрсатаётган журналистлардан тузилган 14 та жамоа ғолиблик учун ўзаро баҳс юритди.

Олимжон Акбаров хотирасига бағишланган анъанавий турнир бу йил ҳам давом этади. Бугун Яйпан шаҳрида бошланадиган мусобақада иштирок этиш учун 40 дан зиёд жамоа истак билдиришганди. Ташкилотчилар эса барча талабларга жавоб берадиган 24 жамоани танлаб олишди.

Анъанавий турнир 9 августдан 1 сентябргача давом этади. Фахрли ўринларни қўлга киритган жамоаларнинг барча аъзолари диплом ва медаллар ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади. Бундан ташқари, 18 та номинация бўйича ҳам мукофотлар таъсис этилган. Мусобақани юқори савияда ўтказишни таъминлашда Ўзбекистон футбол федерацияси, «Пахтакор» клуби, «Интер Кабель» МЧЖ, «Радикал -Прогресс» МЧЖ, «Gren Vord» компанияси, «Рус Торг» МЧЖ, Капитал банк, «Алп Жамол» банк каби ҳомийлар бош-қош бўладилар. Турнирнинг матбуот ҳомийлигини эса, «Халқ сўзи», «Спорт» ва «Ўзбекистон футболи» газеталари ҳамда «Спорт» телерадиоканали ўз зиммаларига олишган.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Тошкент Давлат авиация институти жамоаси Физика ва кимё кафедраси доценти Жавдот Юсуповга акаси **Шавкат ЮСУПОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ЎзР ФА Микробиология институти маъмурияти, етакчи илмий ходим, б.ф.д. М. Сагдиевага синглиси **ГУЛНОРАнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи
Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 1057. 20700 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшид Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Э. Болиев.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 21.00 12345